

O'zbekiston

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

ovozi

ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 сентябрь куни йўл хўжалиги тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича ийифиши ўтказди.

Сўнгги 6 ийлда мамлакатимизда йўллар куриш ва таъмирлашга ажратилётган маблағлар 3 карра ошган. Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги корхоналарга 2 мингдан зиёд махсус техника харид қилинган. Булар орқали 65 минг километр йўллар қурилган ва таъмирланган.

Ўтган йилдан "Менинг йўлим" лойиҳаси ҳам бошлиниб, ички кўчалар аҳоли тақлифлари асосида қурилиб таъмирланадиган тизим жорий қилинди. Шу йилнинг ўзида 470 та маҳалладаги ички йўллар учун 410 миллиард сўм йўналтирилди. Натижада 3 миллион 600 минг аҳолининг мушкули осон бўлди.

Умуман, 3 мингга яқин маҳалла йўлларига илк бор асфальт ётқизилди, яна 2 мингта маҳалладаги тупроқ йўллар шагал қоплагана ўтказилди.

Лекин соҳада бир қатор тизимли муаммолар ҳам бор. Асосий камчиликлардан бири – қурилётган йўлларнинг сифатлизиги. Янги йўллар кўп ўтмай яроқсиз ахволга келаётгани учун яна таъмирланмоқда.

Йўлларни лойиҳалаш меъёллари эскирган. Уларнинг катта-кичиликлиги ёки худудларнинг иқлим шароитига қарамай, бир хил андоза қўлланмоқда. Лойиҳаларда йўл бўйи инфратизимаси назарда тутилмагани боис, аксарият савдо ва сервис шоҳобаларни тартибиз жойлашган.

Сифат пастигининг янга бир сабаби – йўл назоратининг сустлиги. Бу борадаги ҳозирги талаблар шундайки, техник назоратчилар асосий вақтини йўлнинг сифатини текширишга эмас, пурдатчининг хўжатларини ўрганишга сарфлайди. Йўл қурилишида замонавий техникаларни бошқара оладиган малакалар кадрлар етишмайди.

Йўлларни мониторинг қилишининг автомотлашган тизими йўқлиги сабабли қайси йўлдан қандай ҳажмда юк ўтётгани маълум эмас. Йўллarda унинг юк кўтариши имкониятидан оғир бўлган транспортлар ҳам ҳаракатланмоқда.

Йилишида шу каби муаммолар таҳлил қилиниб, янги чора тақлифлар кўриб чиқиди.

– Сифатли йўл одамларнинг кайфияти ва иқтисодиётимиз "arteriya" хисобланади. Шу боис йўл қурилишига янгина ёндашувларни жорий қилиб, сифатни ошириш, соҳани рақамлаштириш ва хусусий секторни кенг жалб қилиш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йилишида автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш, таъмирлаш ва саклаш бўйича вазифалар белгиланди.

Аввало, лойиҳалашни комплекс ёндашув асосида тақомиллаштириш зарурлиги таъкидланди. Яъни, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, автомобиллар тўхташ жойи, ёқилигий шоҳобаси, овқатланши, савдо ва техник хизмат кўрсатиш объектлари кеярда жойлашиши, кеярда дарахт экилиши лойиҳанинг ўзида мухассам бўлиши керак.

Давлатимиз раҳбари йўл қурилишида "ресурс" усулидан "ҳажм" усулига ўтиш тақлиfini кўллаб-кувватлади. Бу борада Ҳалқаро консультант мухандислар федерацияси стандартларни кўл келади. Унга кўра, махсус сертифиқатга эга мухандислар йўл қурилишидаги барча жарёнларни назорат килади ва якунний сифатга жавоб беради.

Ички йўлларни қуриш ва таъмирлаш учун бюджет маблағлари фақат "Менинг йўлим" дастури орқали ажратилиши айтилди.

– Энди кеярда ички йўл қуриш, қайсini таъмирлашини одамларимизнинг ўзи ҳал қиласди. Шундай қилсан, лойиҳани танлаб олишда ва сифатни таъминлашда очиклик бўлади, тўлиқ жамоатчилар назорати ўрнатилади, – деди Президент.

Келгуси йил мазкур дастур учун камида 800 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Мавзумки, ривожланган мамлакатлarda ҳам йўлларни қуриш ёки таъмирлаш тўлиқ давлат ҳисобидан амалга оширилмайди. Юртимизда хусусий шериллик бўйича қонунай асослар яратилган бўлса-да, йўл соҳасида бу жарён суст кетмояди. Шу боис инвесторларга кўйиладиган шартлар ва давлатнинг мажбуриятларини аниқ белgilab, йўл лойиҳаларига хусусий шерилликларни фаол жалб қилиш зарурлиги кайд этildi.

Шунчак маблағ ва меҳнат билан қурилаётган йўлларни сифатли сақлаш ҳам зарур. Масалан, чет элларда йўллarda юк транспортлари вазинин ўлчайдиган назорат тарозилари ўрнатилади. Бундай тарозиларни мамлакатимизда ҳам хусусий шериллик асосида ўрнатиш тақлиfi билдирилди.

Шахарлардаги йўлларни сақлаш ва атрофини кўкалаамзорлашириш учун ободонлаштириш бошқармалари махсус техникалар билан таъминланади.

Бугунги кунда йўлларда ҳуқуқбузарликларни қайд этивчи 2 минг 500 дан зиёд камера ва радарлар ўрнатилган. Аҳоли яшаш жойларида чекланган тезлик 60 километр-соатга тушシリлган. Натижада йўл-транспорт ходисалари 30 фоизга камайган. Ҳайловчиларга қўлайлик яратиш учун "ақлли чорраҳа" ва "ақлли светфор" бошқарув тизимларини кенгрок жорий қилиш зарурлиги айтилди.

Туманлардаги йўл ва кўприклар қуриш ва таъмирлаш бўйича уч йиллик дастур қабул қилиш, йўл корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва моддий-техник базасини яхшилаш юзасидан топшириклар берилди.

Умумan, йилишида қайд этилган барча чораларни инобатга олган ҳолда, автомобиль йўллари соҳасини ривожлантириш бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди.

Соҳа мутасаддилари ва вилоят ҳокимлари кун тартиbidagi масалалар бўйича ахборот берди.



"ЎЗБЕКИСТОН – 2030" стратегиясида қўйидаги **асосий ғоялар** акс эттирилган:

- барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади **ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан** ўрин олиш;
- аҳоли талабларига ва ҳалқаро стандартларга** тўлиқ жавоб берадиган **таълим, тиббиёт ва ижтиёмий ҳимоя** тизимини ташкил қилиш;
- аҳоли учун **қулий экологик шароитларни** яратиш;
- ҳалқ хизматидаги **адолатли ва замонавий** давлатни барпо этиш;
- мамлакатнинг **суверенитети ва хавфсизлигини** кафолатли таъминлаш.

2

ПАРТИЯ ГУРУХЛАРИДА НИМА ГАП?

ҲАР БИР КАСБНИНГ ЎЗИГА ЯРАША ЖАВОБГАРЛИК ЮКИ, МАСЬУЛИЯТИ БЎЛАДИ. АЙНИҚСА, СИЗНИНГ ФАОЛИЯТИНГИЗ КЎПЧИЛИКНИНГ ИРОДАСИНИ ИФОДА ЭТСА, МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСА, УНИНГ МАСЬУЛИЯТИ ҲАМ КАТТАРОК, ЮКИ ҲАМ ЗАЛВОРЛИРОҚ БЎЛАДИ. ШУНДАЙ МАСЬУЛИЯТЛИ, ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, ШАРАФЛИ ФАОЛИЯТЛАРДАН БИРИ ДЕПУТАТЛИКДИР.

3



ПАРЛАМЕНТ АЎЗОЛАРИ ХУДУДЛАРДА НАЗОРАТ ВА АМАЛИЙ ЁРДАМ



5 САҲИФА

МЕЪЁР ҲАММА УЧУН МУҲИМ



6 САҲИФА

STRATEGIYA – 2030



ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ | 2030



ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ | 2030



ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ | 2030



ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ | 2030

МАҚСАД ВА МУШТАРАКЛИК

Инсон туғилғандан охирги кунига қадар ўрганади, ўрганғанларини ҳаётига татбик қиласы. Ҳар бир инсонда мәмлүм даражада мақсадлар бўлади. Уларнинг катта-кичкимили эса кейинги масала. Асосийси, етиш йўли, стратегия бўлиши зарур. Мақсадга эришиш йўли, яъни стратегияси аниқ ва пухта тузилган бўлса, етиш осонроқ ва реалликка яқин бўлади.

Давлат, мамлакат-чи?..

Давлатни ҳам тирик организмга ўхшатишади. Давлатни инсонлар, яъни онгли мавжудотлар бирлашган, ягона мақсад ва умумманфаат йўлида харакатланадиган тизимга асосланган мураккаб тузилмага қиёслаш мумкин. Унинг ҳам аниқ мақсади ва ўша мақсадни амалга оширадиган стратегияси бўлиши мухим.

Умуман, ҳаётнинг ўзи олдинга янги-янги мақсадлар кўйиш ва у сари ҳаракат қилиш, орзуларга интилиш мезони асосига қурилган. Инсон ҳам, мамлакат ҳам мақсадлар учун интилиб яшаши катта натижадир.

Жорий йилнинг 31 июль кунидан бошлаб "Ўзбекистон – 2030" стратегияси

ва уни 2023 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари лойиҳалари кенг жамоатчилик муҳокамасига кўйилган эди. 11 сентябрь куни:

ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш;

барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш;

сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
қонун устуворлигини таъминлаш, ҳалқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш;

"хавфсиз ва тинчликсевар давлат" тамоилига асосланган сиёсанни изчил давом эттириш, деб номланган 5 йўналиш ва 100 та мақсадни қамраб олган "Ўзбекистон – 2030" стратегияси қабул қилинди.

Стратегия билан танишган ҳар қандай киши унда катта мақсадлар мұжассамлашгани, унинг амалга ошиши ҳар бир маҳаллага, оиласа, керак бўлса, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига яхшилик кириб боришини англаши мумкин.



Нигора ЭШМЕТОВА,
Ўзбекистон ХДП Тошкент
шахар кенгаши раиси,
халқ депутатлари шаҳар
Кенгашидаги партия
гурухи раҳбари:

– Стратегия билан унинг лойиҳаси муҳокамага кўйилган пайтада танишганман. Қабул қилинганидан сўнг яна бир бор танишиб чиқдим. Ҳурсанд бўлдим, ғурурландим.

Стратегияда келгуси 7 йил ичизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилиги ва самарадорлигини кучайтириш, ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари доирасига муҳтоҷларнинг барчasi тўлиқ қамраб олинишига эришиш бўйича аниқ кўрсатма ва топшириклар урин олган. Бу партиямиз мақсадлари билан нақадар ўйғун эканини ҳар биримиз чуқур англаб турибиз.

Камбағалликни кескин қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш йўналишларида ҳам аниқ тизимли ишлар белгиланди. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун эса республиканинг барча ҳудудларида "Инсон" ижтимоий ҳизматлар марказлари фаолиятини ўзлаштириш.

Шунингдек, муҳтоҷ ногиронлиги бўлган шахсларни сифатли ва замонавий протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш даражасини 100 фоизга етказиши назарда тутилмоқда. Бундан кўринадики, ногиронлиги бўлган шахсларни кўллаб-кувватлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилида. Фуқаролик жамияти институтларининг ҳам роли оширилади. Ногиронлар жамиятлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бориши, уларнинг ҳаёт тарзини яқиндан ўргангандола иш ташкил этиши орқали тенглик таъминланади.

Стратегияда ижтимоий соҳага кўпроқ этишиб берилган. Сабаби, кейинги йиллардаги иқлим ўзгаришлари, глобал пандемия ва ҳалқаро майдондаги нотинчлик ижтимоий соҳаларни ривожлантиришни талаб этмоқда. Асосийси, ижтимоий ҳимоя бўйича белгиланган вазифаларнинг туб мөхияти ижтимоий-иқтисодий фаолники оширишга йўналтирилган. Бу ёндашувни Ҳалқ демократик партиясининг барча фаоллари кўллаб-кувватлашига аминман.

I. ҲАР БИР ИНСОНГА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ

- Болаларни мактабгача таълим ва тайёрлов гурухлари билан тўлиқ қамраб олиш.
- 100 фоиз мактабгача таълим ташкилотларини тоза ичимлик суви ва замонавий санитария-гиена инфратузилмаси билан таъминлаш.
- Тиббиётга йўналтириладиган маблағлар
- ҳажмини 2 баробар ошириш.
- Ижтимоий ҳизматларни мажмуавий амалга ошириш учун республиканинг барча ҳудудларида "Инсон" ижтимоий ҳизматлар марказлари фаолиятини ташкил қилиш.
- 2026 йилга қадар камбағалликни 2 баробарга, 2030 йилга қадар эса кескин қисқартириш.



Зокиржон ЗОҲИДОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона
вилоят кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги партия
гурухи раҳбари:

– Стратегия билан танишиб чиқар эканман, ундағи қонун устуворлигини таъминлаш, ҳалқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш билан боғлиқ мақсадлар кўпроқ эътиборимни тортди. Бунда, айниқса, парламент ҳамда маҳаллий Кенгашнинг жамиятидаги ролини ошириш назарда тутилган.

Буғунги кунда қонуналар ҳуқуқий, лингвистик, гендер каби бир неча экспертизадан ўтказилади. Лекин илмий экспертиза ҳам жуда мухим саналади. Шундан келип чиқиб, тўғри мақсад ва тўғри банд кўйилганини алоҳида эътироф этиш керак. Зоро, ҳар бир масалада илмийлик устуворликка эга. Қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиши ҳажмини 100 фоизга етказиши билан боғлиқ меъбер қонуналар сифати ҳамда натиқадорлигига алоҳида аҳамият касб этиди.

Шу ўринда яна бир мухим масала. Давлат ва жамият ҳаётидаги сиёсий партиялар ролини янада ошириш мақсадида вакиллик органларига сайловнинг **аралаш** (мажоритар-пропорционал) тизимга ўтиши мақсади кўйилган. Аввало, таъқидлаш керакки, ҳозирда мамлакатимизда мажоритар тизимда сайлов бўлиб ўтади. Бу ўз сайлов окургида энг кўп овоз олганномзод сайланган деб топиладиган тизим хисобланади. Масалан, Қонунчилик палатасига 150 нафар депутат сайлашда худди шунча сайлов окурги шакллантирилади. Уларнинг ҳар бир фуқаролар овоз берадиган худудларга бўлинади ва энг кўп овоз эгаси гонлиб, деб топилади.

Сайловда пропорционал тизим ҳам мавжуд бўлиб, унда ҳар бир партия парламентда қўлга киритадиган ўнрингар сони сайловда унга берилган овозлар сонига кўра белгиланувчи тизим саналади. Мажоритар тизимдан фарқи шундаки, сайловчиларга партиядан муйянномзодга эмас, партиянинг ўзига овоз берадиган топиладиган тизимда сайлов бўлиб ўтади. Пропорционал тизимда ҳар бир партия депутатлик номзодлар мустақил равишда тузилган рўйхатни овозга қўяди. Уларга энг фаол ва энг таниклии сиёсий арбобларни киритишга ҳаракат килинши ҳам табиий. Депутатлик номзодлар билан танишиб қисқар, сайловчи улардан биттасига, муйян бирор бир партия фойдасига танлов қиласи.

Энди айнан ушбу иккисига бираштирилган аралаш сайлов тизими ҳам бор. Аралаш сайлов тизимиини мөхиян шундай иборатки, депутатлик мандатларининг бир қисми хукуматнинг барқарор шакллантишига ҳисса кўшадиган мажоритар тизим таймилларига мувофиқ тақсимланади.

Бунинг ўзига хослиги шундаки, аввало аҳоли билан муносабатлар таъсиричан ва натижада бўлишига асос яратилади. Шунингдек, партиялар асосий ўринга чиқади.

Демак, партиялар ўз имкониятларини янги жиҳатлар билан кўрсатиш имконига эга бўлади, янада ҳалқ ичига чуқуроқ кириб боради. Энг мухим жиҳати, жамиятдағо ғоя ва фикрлар ривожланади, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллиги ва дахлдорлиги ортади. Бу давлат ва жамият янада равнави топишининг энг мухим шартларидан биридир.

Стратегияни бажонидига кўллаган ҳолда, ундағи мақсадларни рўёбга чиқариш учун астойдил меҳнат қилишини кўзлаганмиз.

III. СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

- Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиши.
- Йиллик инфляция даражасини 5-6 фоиздан ошаслигини таъминлаш.
- Мамлакатимизда 250 миллиард долларлик инвестицияларни ўзлаштириш.
- Шаҳарлarda жамоат транспортини экологик тоза ёқилғига ўтказиши.
- Электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажмини 120 миллиард кВтга етказиши.
- Табиий газ қазиб олиш ҳажмини 62 миллиард куб метрга етказиши.
- Республикада 17 турдаги давлат монополиясини бекор қилиш.

IV. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИННИ ТАШКИЛ ЭТИШ

- Аҳоли ташаббуси билан инфратузилмани яхшилашга ажратиладиган маблағларни 24 трилион сўмга етказиши.
- Юқори самарадорликка эга чанг-газ тозалаш ускуналари ва локал сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш ҳамда мавжудларини модернизация қилиши, 14 та ҳудудда экологик тоза ҳудуд режимини жорий қилиш.
- Шаҳарлар бош режаларини тузишида улар худудининг камидаги 30 фоизини яшил мадонлар ташкил этилишини таъминлаш

V. МАМЛАКАТНИ ХАВФСИЗ ВА ТИНЧЛИКСЕVAR ДАВЛАТГА АЙЛАНТИРИШ ИШЛАРИНИ ДАВОМ ЭTTIRISH

- Марказий Осиё давлатлари худудида фуқаролар эркин харакати, шунингдек, товарлар, ҳизматлар ва капиталнинг сунъий чекловлариз айланисига босқич-ма-босқич эришиш, шунингдек, умумий сайдехлик маконини шакллантириши ишларини давом эттириш.
- Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Африка миintaқасидаги мамлакатлар билан мавжуд алоқаларни янада кенгайтириш, янги ва истиқболи йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга кўйиш, кенг миintaқаларни боғловчи ва ўзбекистонни жаҳон бозорига чиқишига имкон яратувчи транспорт-логистика йўлакларини шакллантириш.
- Америка мамлакатлари, хусусан, АҚШ билан янги даврда стратегияни шериллик ва ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини тобора кенгайтириш, инвестиция, экспорт ва илфор технологиилар соҳаларида алоқаларни кучайтириш.
- Милий қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини Жаҳон савдо ташкилотининг қоида, мезёр ва битимларига мослаштириш.
- Жаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатлар билан бозорларга кириш бўйича музокараларни тизимли олиб бориш ва аъзо бўлиш жараёнини самарали якунига етказиши.

"Ўзбекистон овози" мухабири
Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.

МАХАЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

ПАРТИЯ ГУРУХЛАРИДА НИМА ГАП?

Ҳар бир касбнинг ўзига яраша жавобгарлик юки, масъулияти бўлади. Айниқса, сизнинг фаолиятингиз кўпчиликнинг иродасини ифода эта, манфаатларига хизмат килса, унинг масъулияти ҳам каттароқ, юки ҳам залворлироқ бўлади. Шундун масъулияти, таъбир жоиз бўлса, шарафли фаолиятлардан бири депутатликдир.

Аҳоли орасида депутатларга "тайинли иш килмайди", деб таъриф берадиганлар ҳам тоғилади. Зоро, гурӯх курмаксиз бўлмайди, деганларидек ҳамма депутатлар ҳам ўз ишига фидди, жонкуяр чикмаслиги мумкин.

Лекин бу ҳамма депутатларга тегишли таъриф бўлмаслиги керак. Чунки депутатлар орасида, соҳа у маҳаллий Кенгаш депутати бўлсун, ҳоҳ парламент депутати бўлсун, ўз ишининг фидди, жонкуяр, ишончни оқлаш учун тинмай меҳнат қиладиганлари етарлича, деб ўйлаймиз.

ДЎСТЛИК ТУМАНИДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Жорий йилнинг 27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигига Фарғона вилоятида ҳамда 10-11 август кунлари Буҳоро вилоятида инвестицияларни жалб этиш, саноат ва тадбиркорлики ривожлантириш, янги иш ўринларни яратиш масалалари бўйича бўлиб ўтган йиғилишда бир қатор вазифалар белгилаб берилган эди.

Қонунлар ва мөёрий ҳужжатларнинг худудларда бажаралиши устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис Конунчиллик палатасида ўзХДП фракцияси аъзолари Дўстлик туманида бўлиши.

Ў.Ўразбоев, З.Акрамова ишчи гурӯх аъзолари ва ҳалқ депутатлари туман Кенгаш депутатлари билан биргаликда "Жиззах сув

таъминоти" МЧЖ туман филиалида, "Чинонбод" маҳалласида олиб борилаётган канализация тизими курилиши, шунингдек, "Олтин водий" маҳалласидаги 7-сонли умумтаълим мактаби ҳамда 6-сонли давлат мактабчага таълим ташкилотида бўлишиб, амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишиши.

Урганиш давомида ҳал этилиши кутилаётган муаммолар ўрганилди, шунинг баробарида таклифлар ҳам олинди.

"ДЕПУТАТ ВА ЁШЛАР" ФОРУМИ

Бугун ҳаёт ўзгарди. Ёшларнинг ислохотларга кизикиши ҳам, талаби ҳам ошиди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёшлар билан ўзгариш ва юксалишларга мос ишлашга итилмоқда.

Тошкент вилоятида "Депутат ва ёшлар-2023" форуми ўтказилди. Унда Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлис Конунчиллик палатаси, вилоят ва маҳаллий кенгашларга сийланган депутатлари, кенгаш раислари, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этишиди.

Форум орқали аҳолини ижтимоий химоя килишда янги инновацион гоя ва ташабbusларга асосланган лойиҳаларни амалга ошириш, иstezdodli ёшларни кўллаб-куватлаш ва уларнинг имкониятларини кенгайтириш мақсад қилинган.

Яна бир мақсад – депутат ва ёшларнинг мулоқотини ташкил этиш, ёшларни қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб итиб, уларнинг муҳим ташабbus ва таклифларини олиши эди.

Бундай учрашувлар ёрдамида фаол ёшларни бирлаштириш, улар ўртасида дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш, илмий салоҳиятни кучайтириш, иқтидорли ёшлар сафиини кенгайтириш, ёшлар ўртасида во-

лонёрлик кўнникмаларини ривожлантириш ҳам назарда тутилган.

Форумда "Ёш сиёсатчilar" клуби фаолиятингизда тақдимоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши ва Тошкент вилояти ёшлар итифоқи ўтасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Очиқ мулоқот давомида депутатлар ўзларнинг саволларига жавоб бериб, қайси соҳани танлаган бўлишидан қатъи назар, ўша ишни чин дилдан севиш кераклигини, билим ва кўнникмаларни хайёта табтиқ этиш лозимлиги ҳақида тавсиялар беришди, бир катор ташабbusлар ҳам илгари сурилди.

СЕССИЯ ВА РЕАЛ НАТИЖА

Ўзбекистон ХДП Зарбдор туман кенгаши ва депутатлар гуруҳи ҳамкорлигига туман Кенгаш сессиясига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 майдаги аҳолининг ичимлик сув таъминоти ва оқава сув хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги карори ижросини таъминлаш масаласи киритилган эди.

"Сувқава" корхонаси бошлигининг хисоботи эшитилиб, Тинчлик МФД даги "Сайхун" кўчаси аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш масаласи муҳокама қилинган. Натижада 20 дан ортиқ ҳонаёнга тоза ичимлик суви кириб келди.

"БЕГЖАП"ГА ЭЛЕКТР

Халқ депутатлари Шуманай туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Махмуд Есенгелдиев аҳоли мурожаати асосида тумандаги "Бегжап" овул фуқаролар йигини "Гулистон" аҳоли пунктидаги эскирган электр устунларини янги темир бетон устунларига алмаштириш, худудга кўшимча 2 дона

трансформатор ўрнатиш масаласида туман электр таъминоти бўлимига депутатлик сўрви жўнатган эди.

Ушбу масала туман худудидаги электр тармоқларини қайта реконструкция қилиш дастурiga киритилганди.

Бугунги кунда "Бегжап" овул фуқаролар йигини худудидаги истеъмолчиларга электр энергиясини узлуксиз етказиб бериш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

КЎШИМЧА ТАКЛИФЛАР ОЛИНМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши, туман ва шаҳар кенгаши раислари ҳамда партия гурухлари раҳбарларидан ташкил топган ишчи гурухлар кам таъминланган оиласларни "Ижтимоий химоя ягона реестри" аҳборот тизими орқали аниглаш, кам таъминланган оиласлар болалари учун нафака ва моддий ёрдам тайналаш ва тўлаш ҳолати, шунингдек, 2023 йилда иш жойлари яратиш ва бандлик дастурни ижроси бўйича қилинган ишлар бўйича ўрганиш ишларини олиб боришишмоқда.

Депутатлар ва кенг жамоатчиликдан муаржаатлар, кўшимча таклифлар ҳам олинмоқда.

Ўз мухбиризим.

Аҳоли ичимлик суви, газ билан боғлиқ ҳал қилинмай келётган масалалар юзасидан мурожаат қилишиди. Депутатлар томонидан мутасадди ташкилотларга топшириклар берилди.

 Ўрганишларнинг биринчи кунидан депутатлар шаҳар хокимлигига хоким ўринбосарлари ва тегишли масъуллар иштироқида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил давомида вилояtlarга ташрифи давомида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, Каттакўргон шаҳрида ишлаб қицилган чора-тадбирлар режасини таъминлаш юзасидан сухбатларидан ўтилди.

Суҳбат давомида 2023-2024 йилларда куз-киш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган ишларни тайёргарлик суви ўтилди.

Куннинг иккичи яримда депутатлар шаҳар жойига чиқкан ҳолда ўргандилар.

Ўрганишларнинг дастлабки манзили Каттакўргон - 1 газ таъсимиш станцияси ҳамда Каттакўргон - 2 газ таъсимиш станциялари бўлди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бугунги кунда Каттакўргон - 1 газ таъсимиш станцияси шаҳарнинг 28 та маҳалласидаги



13 830 та ҳонаён, 278 та улуркни истеъмолчиларни табиий газ билан таъминлади. Каттакўргон - 2 ГТСдан эса Каттакўргон шаҳрининг 8 та маҳалласидаги 7243 та ҳонаён ва 88 та улуркни истеъмолчилар табиий газ билан таъминланади.

Шундан сўнг, "Ғарб мачит" маҳалласида бўлган депутатлар маҳаллани 2023-2024 йиллар куз-киш мавсумига тайёргарлик суви ўтилди.

Кейинги манзил шаҳарнинг "Яккабог" маҳалласи бўлди. Маҳалла худудига "Каттакўргон шаҳар худудий электр тармоқлари корхонаси" томонидан электр таъминотини яхшилаш учун тегиши дастлабларга асосан жорий йилда 75 дона таянч устунлар ўрнатилган, бундан ташқари, электр узатиш тармоқларининг 2,5 км. қисми таъмирланни, 1,5 км. янги ёпик тармоқ тортиси ишлар олиб борилган. Натижада маҳалла худудида яшовчи 2,7 минга нафар аҳолининг турмуш шароити яхшиланшига эришилган.

Электр тармоқлари корхонасидаги амалга оширилаётган ишларни ўрганиш давомида корхоннинг маъмурий ва ишлаб қириш биноларини қайта куриш тавсия этилди.

Шу билан бирга, депутатлар томонидан ижтимоий соҳа объектларининг куз-киш мавсумига шайлиги ҳам ўрганилди. Ўрганиш давомида жумладан, шаҳардаги 6- ва 2-сонли мактаблар, шунингдек, 2- ҳамда 4-сонли давлат мактабчага таълим ташкилотларининг куз-киш мавсумига тайёргарлик суви ўтилди.

Ижтимоий мусассаларга ўрнатилган муқобил электр манбандан олинган энергиянинг истеъмолдан ортича қисми умумий тармоққа бериладиганда қарамай бугунги кунга кадар шартномада ҳар бир бирлик энергия учун нарх белгиланмаганлиги ҳамда шаҳар электр тармоқлари корхонаси томонидан мусассаларга етказиб берилган электр энергияси учун тўловлар амалга оширилмаганлиги маълум бўлди.

Ўрганишларнинг иккичи кунидан депутатлар аҳоли хонаёнлари айниқса, кўп қаватли ўйларнинг куз-киш мавсумига тайёргарлиги ҳолати билан танишилар. Яни, Амир Темур ва "Дўстлик" маҳалласидаги кўп қаватли ўй-жойларни табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви ва канализация тармоғига уланганлик ҳолатлари ўрганилди, худудда яшовчи аҳоли ва киллари билан сухбатда бўлдилар.

ЎзХДП ахборот хизмати.



АЁЛЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят, Ш.Рашидов туман кенгаши томонидан янгибод маҳалласида "Мехр улашалик" лойиҳаси доираси аёллар муммалори уйма-уй юриб ўрганилди.

Ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан «Аёллар дафтари»ни юритиш орқали ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларни ижтимоий-хукуқий, психологияк, тиббий ва моддий кўллаб-куватлашга катта эътибор берилди.

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят, туман Кенгаши раиси ва "Муруват" нигонлиги бўлган аёллар интернат уйи директори ҳамда маҳалладаги масъул ходимлардан иборат ишчи гурӯх дастлаб янгибод маҳалласидаги хотин-қизлар муммалорини ўрганиб, 6 та мурожаатдан 4 таси жойида ҳал этилди.



АҲОЛИ МУАММОЛАРИГА ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Нишон тумани кенгаши раиси А.Беккамов ва бир қатор масъуллар иштироқида аҳоли муммалори ўрганилди.

Халқ билан мулоқот килиш, жойлардаги мавжуд муммалорни маҳаллабай, хонадонбай ўрганиш орқали одамларни кийнаётган масалаларга ечим топиш, ўзаро ҳамжihatлик асосида ҳудудларни ривоҷлантириш, аҳоли яшаш миссивларида инфратузилмаларни яхшилаш, оилавий тадбиркорлик ва кирик бизнесга қулаш шароитларни яратиш каби кенг кўламиш ишларни амалга ошириша жойлардаги секторлар фоалиятни самара бермоқда.



УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Шаҳрисабз шаҳар кенгаши, вилоят нуронийлар жамғармаси ҳамда Тошкент кимё-технология институти Шаҳрисабз филиали ҳамкорлигига "Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун" эзгу foysasi асосида "Уч авлод учрашуви" маънавий-маърифий байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда ўсбай келётган келажак авлодга ўтган таълим ташкилиларни таъсимиш орқали тушунтириб берилди.

Эркин жамиятда яшаб, барча орзу мақсадларига эришиб юрган ёшларимиз шукроналик ҳиссиси билан яшашнинг аҳамияти хусусида сўзлаб бердилар.

Тадбир давомида Мустақиликнинг 32 йилларига муносабат

ИЖТИМОЙ ХИМОЯ ДЕМАКДИР

ТАЪЛИМ КРЕДИТИ ИЖТИМОЙ ХИМОЯ ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОНДА СЕНТЯБРЬ ОЙИДА ҲАЁТ БОШҚАЧА ЖОНЛАНАДИ.

БАРЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНЛАРИ БОШЛАНАДИ. АЙНИҚСА, ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ШУКУҲ ЎЗГАЧА БЎЛАДИ. ШАРТНОМА АОСИДА ТАЪЛИМ ОЛИШ ТАВСИЯ ЭТИЛГАН ВА ШУНДАЙ ОЛАЁТГАН АКСАРИЯТ ТАЛАБАЛАР "КОНТРАКТ ПУЛИ"НИ, ОИЛАСИГА ОФИРЛИК ТУШИРМАСДАН, ЎЗИ ТЎЛАШНИ ХОХЛАДИ. ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА ОИЛАЛАРДА ШУ ЭНГ ҚИЗГИН МУҲОКАМА МАВЗУСИ БЎЛАДИ. ТАН ОЛИШ КЕРАК, ҲОЗИР АВВАЛГИГА ҚАРАГАНДА, ИМКОНИЯТ, ЕНГИЛЛИК ВА ИМТИЁЗЛАР АНЧА КҮП. ХОҲИШ, ИНТИЛИШ БЎЛСА, ҲАММА ЎҚИЙ ОЛАДИ.

2021 ЙИЛДАН БҮЁН ТАЛАБАЛАРГА ТАЪЛИМ КРЕДИТЛАРИ АЖРАТИБ КЕЛИНМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2022 ЙИЛ 18 ИЮЛДАГИ ҚАРОРИ БИЛАН ЁШЛАРНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ТАЛАБАЛАРГА КЕНГРОҚ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛДИ.



Ўзбекистоннинг биринчи банки ҳисобланган Халқ банки энг кўп филиаллар тармоғига эга йирик молия муассасаси бўлиб, унинг чекка худудларда ҳам хизмат кўрсатиш нуқталари мавжуд. Бу эса таълим кредити олиш истагидаги талабаларга ўзиға яқин ва қулай бўлган Халқ банки филиалига дам олиш кунларида ҳам мурожаат қилиб, таълим кредитини қисқа муддатда расмийлаштириш имконини беради. Хизмат кўрсатишдаги ҳар қандай муаммолар юзасидан банкнинг 11-06 - ишонч рақамига исталган пайт мурожаат қилиш мумкин.

TALABALAR UCHUN IMTIYOZLI TA'LIM KREDITI

Talaba xotin-qizlar uchun foizsiz kredit !!!

14%

- Қайси талабаларга таълим кредити берилади?

- Хориждан ўқишини кўчириб, имтиҳонда ўтиш баллidan юқори балл олган бўлса ҳамда Ўзбекистондаги хорижий олийгоҳлар, филиаллар ва нодавлат-хусусий OTMлардан ўқишини мос ва турдош йўналишига кўчириган ҳолда, факат таълим шаклини (кундузидан сиртқига ва ҳ.к.) ёки таълим тилини (ўзбекчадан русчага ва ҳ.к.) ўзгартирган бўлса ҳам кредитларидан.

- Таълим кредитини олишда хотин-қизлар учун қандай имтиёзлар бор?

- Мамлакатимизда хотин-қизларимизнинг таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу кредит талаба қизларимиз учун "фоизсиз" шартларда ажратилади. Шуисан, банк томонидан шу вактига қадар жами 83 минг нафара яқин талабага 848 млрд сўмлик таълим кредити ажратилди. Шундан, 70 фоизи (ёки 59 351 нафар хотин-қизларга 590 миллиард сўмлик) хотин-қизларга ажратилган кредитлар хиссасига тўғри келади.

Шуни алоҳида ташкиллаш лозимки, ушбу рақамлар Халқ банки ёшларга таълим кредити ажратиш бўйича тижорат банклари орасида етакчилигини кўрсатади. Жорий ўқув йилининг ўзида эса 16 мингга яқин талабага 203 миллиард сўмлик таълим кредити ажратилди. Шундан, 77 фоизи хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган имтиёзли таълим кредитларидир.

- Таълим кредитидан фойдаланиш учун қандай ҳужжатлар топшириш лозим?

- Талаба ва кафилнинг паспорти ("ID карта") ҳамда тўлов-контракт шартномаси. "Ижтимоий химоя ягона реестри"га кирифтеганини тасдиқловчи маълумотнома (шундай оиласалар фарзандлари учун). Алоҳида шарти - Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида талабанинг ўқиши учун ажратилган таълим кредитларни базавий хисоблаш мидорининг 200 баробаридан (яъни 66 миллион сўмдан) ошганда мол-мулк гарови кўйиш орқали ажратилади.

- Кредит фойзи ва мидори қанча ва у қачон тўланади?

- Кредитнинг йиллик фойз ставкаси 14 фоиз мидорида (хотин-қизлар учун - фоизсиз). Мидори, ҳар йилги тўлов контракт шартномаси суммаси ва таъминоти, жисмоний шахс кафиллиги керак. Бундан ташқари, таълим кредитининг имтиёзли даври 6 ой. Кредитни қайtarishi мuddati etti яrim йил.

лардан ўқишини кўчириб, имтиҳонда ўтиш баллани тўплай олмаган бўлса уларга берилмайди. Ўзбекистондаги хорижий олийгоҳлар, филиаллар ва нодавлат-хусусий OTMлардан ўқишини мос ва турдош бўлмаган йўналишига кўчириган ёки бир давлат OTMидан бошқасига ўқишини узрли сабаблар йўқ бўлган ҳолда кўчириган бўлса ажратилмайди. Қолаверса, бир давлат OTMидан бошқасига ўқишини мос ва турдош бўлмаган йўналишига кўчириган, шу билан бирга, бир OTM ичидан бошқа йўналишига узрли сабаблар йўқ бўлган ҳолда ёки мос ва турдош бўлмаган йўналишига ўқишини кўчириган бўлса, берilmайдi.

- Банклар томонидан таълим кредитига талабгорлар учун қулайликлар яратилияптими?

- Янгилик сифатида яна шуни айтиш мумкини, талабалар ва уларнинг ота-оналарига қулайликлар яратиш мақсадида таълим кредити расмийлаштириш учун Халқ банкнинг барча филиалларида жорий йилининг 9-10-16-17 сентябрь, яъни дам олиш кунларида ҳам аризалар қабул қилиш йўлга қўйилди. Мақсад талабалар банкка келиш учун ўқув дарс соатларини колдирмасдан имтиёзли кредитларни расмийлаштиришга кўмаклашишдир.

Ўзбекистоннинг биринчи банки ҳисобланган Халқ банки энг кўп филиаллар тармоғига эга йирик молия муассасаси бўлиб, унинг чекка худудларда ҳам хизмат кўрсатиш нуқталари мавжуд. Бу эса таълим кредити олиш истагидаги талабаларга ўзиға яқин ва қулай бўлган Халқ банки филиалига дам олиш кунларида ҳам мурожаат қилиб, таълим кредитини қисқа муддатда расмийлаштириш имконини беради. Хизмат кўрсатишдаги ҳар қандай муаммолар юзасидан банкнинг 11-06 - ишонч рақамига исталган пайт мурожаат қилиш мумкин.

Шу ўринда фоизсиз таълим кредитларини "Микрокредит банк", "Асака банк", "Агробанк", "Халқ банки", "Ипотека банк", "Қишлоқ қурилиш банк", "Турон банк", "Ориент финанс банк", "Миллий банк", "Ўз-



"МЕҲР Дафтари"даги ёшларга уй берилди

Сурхондарё вилоятида етим ва ота-она қаромогидан маҳрум бўлган, собиқ Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларининг бир гурӯхига "Меҳр Дафтари" жамғармаси маблғалари хисобидан Термиз шаҳридаги "Гулистан" маҳалла фуқаролар йигинида қурилган янги уй-жойлар калитлари топширилди.

73 квадрат метр майдонга эга хонадонлар барча майший ва зарур ўй-рўёғор жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган бўлиб, 23 ёшдан 30 ёшга бўлган 6 нафар собиқ Мехрибонлик уйи тарбияланувчисига берилди.

- Бугун жуда хурсандман, - дейди собиқ Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси Фарангиз Ражапова. - Доим ўз уйим бўлишини орзу қилганиман. Президентимизнинг ғамхўрлиги билан бу орзум амала ошиди. Менга берилган уйда барча зарур шароитлар бор. Эътибор ва ғамхўрликдан жуда миннатдорман.




Пойтаҳт тибиёт муассасаларида давлат тибий суфуртаси механизмлари босқичма-босқич жорий этилади

"Ўзбекистон - 2030" стратегиясини 2023 йилда сифатида ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонига кўра, 2023 йил 1 октябрдан бошлаб, оғир хаётий вазиятига тушган ёки тушин хавфи юқори бўлган ҳар бир оила бўйича алоҳида "иҷтиёдий хизмат иши"ни юритиш тартиби амалиётга жорий этилади. Бундай, ушбу оиласаларда шароитни яхшилаш, уларга даволаш, дори воситалари билан таъминлаш, фарзандларини мактабгача ва мактаб ташкиллаш, моддий ёрдам бериш каби ижтиёдий хизматлар кўрсатиш назарда тутилади.

2024 йил 1 январдан бошлаб, Тошкент шаҳрининг тибиёт муассасаларида давлат томонидан кафолатланган бепул тибий хизматлар ҳажми ва дори воситалари рўйхатини амалиётга киритишни назарда тутувчи давлат тибий суғуртаси механизмлари босқичма-босқич жорий этилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация ҳамда дори воситалари билан таъминлаш ишлари "ваучер" тизими асосида босқичма-босқич ташкил этилади. Бундай ногиронлиги бўлган шахсларга товар ва хизматларни ўзлари танлаган етказида берувичдан харид килиш имконияти яратилида ва уларнинг харажатлари давлат бюджети маблаглари хисобидан қоплаб берилади.

ЎЗА.



ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ ҲУДУДЛАРДА НАЗОРАТ ва АМАЛИЙ ЁРДАМ



КАМБАГАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ, БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ИНВЕСТИЦИЯЛарНИ ЖАЛЬ ЭТИШ, САНОАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ХЎҚУҚБУЗАРЛИКЛарНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ, ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ, АХОЛИ ВА ИКТисодиёт ТАРМОҚЛАРИНИ ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН КАФОЛАТЛИ ТАЪМИНЛАШ БУГУНГИ КУННИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИДАН ҲИСОБЛАНАДИ.

УЛарНИНГ СИФАТЛИ ВА САМАРАЛИ БАЖАРИЛИШИ ҲАЛҚИМИЗ УЧУН ЖУДА МУҲИМ. ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ ҲУДУДЛАРДА ҮРГАНИШЛАР, НАЗОРАТ-ТАХЛИЛ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИБ, ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИ ҮРНАТИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА. БУ БЎЙИЧА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲАМДА СЕНАТИ КЕНГАШЛАРИНИНГ ҚЎШМА ҚАРОРИ ҶАБУЛ ҚИЛИНГАН.

УНГА КЎРА, ХУСУСАН, ЖОЙЛАРДА ЯНГИ ИШ ҮРИНЛАРИ ЯРАТИШ, АХОЛИ, ХУСУСАН, ЁШЛАР, ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ҮРГАНИЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН. ШУНИНГДЕК, КАСБ-ХУНАРГА ҮҚИТИШ ВА МАҲАЛЛАРНИ ИШСИЗЛИКДАН ҲОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАМ ТАХЛИЛ ҚИЛИМОҚДА.

НАТИЖАЛАР, ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР ҚАНДАЙ?

ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ИШДАН ОЛИНДИ

Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шахрида олиб борилган үрганишлар натижасидан келиб чиқиб, сессия ўтказилган. Унда асосан 2 та масала, яъни Каттакўрғон шаҳар ичкни ишлар бўйими томонидан 2023 йилнинг 7 ой давомида ҳуқуқбузарликларни олдини олиша ва профилактикасини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, янги иш үринлари яратиш ва ахоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларниң ҳолати, белгигланган асосий вазифалар мухокама этилди.

Биринчи масала юзасидан Каттакўрғон шаҳар ичкни ишлар бўйими бошлиги Гулом Исломов ахборот берди. Таъкидланганидек, жиноятчилик ва хуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашишда янада самарадорликка еришини максадидан барча профилактика инспекторлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шаҳар бўйича 7 ой давомида барча йўналишидаги жиноятлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 тага (154-156), яъни 1,3 фоизга кўпайган. Олиб борилган профилактика тадбирларга қарашасдан, ахром олиб олиниши мумкин бўлган жиноят турлари ошишига йўл кўйилган. Мажаллаларда жиноятчиликни жиловлаш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлилига кўра маҳаллаларниң 18 таси ёки 50 фоизи "яшил", 8 таси ёки 22 фоизи "сарик" ва 10 таси ёки 28 фоизи "қизил" тоғфага киритилган.

Маълумотларга кўра, 7656 та кичик бизнес субъекти рўйхатдан ўтган бўйиб, жорий йилда 563 та юридик мақомдаги кичик бизнес субъектлари янгидан ташкил этилди. Натижада 2 мингдан ортиқ ахоли ишли бўлган.

Аммо шу йилнинг 1 август ҳолатига кўра, 2004 та кичик бизнес субъектлари

фаолият кўрсатмаётган экан. Уларнинг 172 таси туттилиб, 494 таси фаолияти соғломлаштирилган. Аммо 1338 та субъектнинг фаолият кўрсатмаслиги ёмон кўрсаткич.

2021 йил 3 декабрдаги "Мажалла тадбиркорликни ривожлантириш, ахоли бандлигини таъминлаш ва камбагалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор ўйналишлари тўғрисида" ги Президент фармонига асосан мажаллаларда ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилган эди. "Ёрдамчи"лар фармондаги вазифалардан келиб чиқиб, мажаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, ахоли бандлигини таъминлаш ва камбагалликни қисқартиришга қартилган чора-тадбирларни амалга ошириши кўзда тутилган. Жорий йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар учун 47,2 млрд сўм лимит ажратилиб бўлиб, ўтган давр мобайнида 1 078 нафар фуқароға 19,8 млрд сўм (42 фоиз) имтиёзли кредитлар ажратилиган, 2 мингдан ортиқ ахоли бандлиги таъминланди.

Бирок, катор ҳоким ёрдамчилари томонидан етарли тарзида иш ташкил этилмагани, мажаллалда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тарғибот ишлари олиб борилмагани сабабли ажратилиган ресурслардан самарали фойдаланилмаган. Ана шундай масъулиятсизликка йўл кўйиган ҳоким ёрдамчилари ўз вазифаларидан озод этилди.

Бундан ташкиари, ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида 2023 йилнинг январ-июн ойларида қиймати 72,9 млрд сўм бўлган 21 та лойиха амалга оширилиши белгиланган бўлиб, 127 та янги иш ӯрни яратилиши керак эди. Амалда 98,7 млрд сўмлик 36 та (171 фоиз) лойиха ишга тушурилиб, 185 нафар фуқаро ишли бўлган.

Бирок, бу борада ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, инвестиция дастури доирасида ишга тушурилиши белгиланган қиймати 72

млрд сўмлик 5 та лойиха амалга оширилмаганидан далолатdir.

